

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУРАТОВ АБДИШУКУРЖОН АБДИҚОДИРОВИЧ

АБУ ҲАФС НАСАФИЙ “ТАЙСИР ФИ-Т-ТАФСИР” АСАРИНИНГ
МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

**Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on islamic
sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по исломоведение наукам**

Муратов Абдишукуржон Абдиқодирович

Абу Ҳафс Насафий “Тайсир фи-т-тафсир” асарининг

манбашунослик тадқиқи 3

Muratov Abdishukurjon Abdiqodirov

Source study of the work of Abu Hafs Nasafi "Taysir fi-t-tafsir 21

Муратов Абдишукуржон Абдиқодирович

Источниковедческие исследование произведения

"Тайсир фи-т-тафсир" Абу Хафса Насафи 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 39

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУРАТОВ АБДИШУКУРЖОН АБДИҚОДИРОВИЧ

АБУ ҲАФС НАСАФИЙ “ТАЙСИР ФИ-Т-ТАФСИР” АСАРИНИНГ
МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/исл7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.iiu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исламов Захиджон Махмудович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махсудов Давронбек Рустамович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент

Лутфиллаев Ҳамидулло Муродиллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» июнь соат ____ даги БИММ платформасидаги онлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» июнда тарқатилди.
(2021 йил «__» _____даги __ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тарих фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмий жамоатчилиги илм-фан ва ислом цивилизацияси ривожига ўз хиссасини қўшган Мовароуннахр олимларининг хизматларини эътироф этмоқда. Бу борада тафсир соҳасида Абу Ҳафс Насафий «Тайсир фи-т-тафсир» (تيسير في التفسير), ҳадис илмида Имом Термизий «Сунан ат-Термизий» (سنن الترمذي), ақида ва калом илмида Абул Муъин Насафий «Табсирату-л-адилла фи усул-д-дин» (التبصرة الادلة في اصول الدين), фикҳда Бурҳониддин Марғиноний «ал-Ҳидоя» (الهداية) асарларини ёзишган. Улар ўз асарларида динлар ўртасида бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва илм-фан йўлида умумий дўстона алоқаларни шакллантириш ҳамда уларни мустаҳкамлашни долзарб вазифалардан бири сифатида кўрганлар.

Дунёда, айниқса, ислом оламида қуръоншунослик ва Қуръон оятларини шарҳлаш борасида нақлий тафсир (оятни оят, ҳадис ва саҳобалар сўзи билан тафсир қилиш) билан бирга ақлий тафсирларга (оятни ақл ва ижтиҳод, ақидавий, фикҳий, тасаввуфий, фалсафий, мантикий услуб билан тафсир қилиш) оид тафсир соҳалари чуқур таҳлил қилиб келинмоқда. Бундай тадқиқотлар Миср, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Сурия, Иордания, Покистон, Ироқ, Англия, Германия ва бошқа мамлакатларнинг йирик илмий марказларида тизимли йўлга қўйилган. Ўрта асрлардан буён муфассирлар учун асосий манба бўлиб келаётган «Тайсир фи-т-тафсир» («Тафсир борасида енгиллик») китоби ҳам махсус тадқиқотларга жалб этилган. Бироқ бугунги ахборотлашган жамиятда ушбу масалага кенг қамровли ва етарли даражада аҳамият берилмагани сабабли Қуръон оятларини нотўғри талқин қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг олдини олишда аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасига асосланган тафсир асарларини илмий ўрганиш заруратга айланмоқда.

Ўзбекистонда ислом динининг бағрикенглик, динлараро тотувликка доир мазмун-моҳиятини ёритиш, унинг бунёдкор ва маърифий кучини маънавий ҳаётни ривожлантиришга қаратиш, аждодларнинг ёзма илмий меросини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Хусусан, “Ҳозирги кунда Ўзбекистон китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди”¹. Аждодлар қолдирган бу каби бой маънавий-маърифий меросни ўрганиш, “Ҳизбут таҳрир”, “Сохта салафийлик” каби адашган фирқа ғояларидан аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодини ҳимоялашга қаратилган. Хусусан, Абу Ҳафс Насафийнинг ислом таълимотига бағишланган «Тайсир фи-т-тафсир»² асари

¹ Мирзиёев Ш.М. 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатнома. <https://president.uz/uz/lists/view/3377>.

² Юртимиз ва дунё фондларидаги қўлёзма нусхалари қиёсий таҳлил қилинганда Абу Ҳафс Насафийнинг “Тайсир фи-т-тафсир” асари турли номлар билан келган. Улардан энг кўп қайд қилингани “Тайсир фи-т-

мамлакатнинг ислом цивилизацияси ривождаги ўрнини қайта баҳолашга сабаб бўлмоқда. Бу эса «Тайсир фи-т-тафсир» асарида Куръон оятларини тафсир қилишдаги ўзига хос жиҳатларини очиб бериш ва унда кўтарилган ғояларни чуқур тадқиқ этиб, маънавий ҳаётга татбиқ қилишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 896-сон «Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси Ғарб тадқиқотчилари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Жумладан, ғарб олимлари Ф.Мюллер, М.Систер, И.Гольдциер, Т. Нельдеке, Ф.Денни, Ж.Вансбург, Р.Мартин, А.Раппин³ каби олимлар Мовароуннаҳр тафсир ва муфассирларига оид илмий изланишларида Абу Ҳафс Насафий асарлари ва унинг ислом динида тутган

тафсир», «ат-Тайсир фи-т-тафсир» ёки «ат-Тайсир фи илми-т-тафсир» номлари. Диссертацияда асос қилиб «Тайсир фи-т-тафсир» атамаси танлаб олинди ва баъзи ўринларда қисқа шаклда «ат-Тайсир» сўзи билан келтирилди.

³ Muller F.M. The sacred books of the East. Volume VI. The Qur'an. Translated by Palmer E.H. Motilal Banarsidass; Muller F.M. The sacred books of the East. Volume IX. The Qur'an. Translated by Palmer E.H. Motilal Banarsidass; Sister M., *Metaphern und Vergleiche im Koran*. Inaugural-Dissertation zur Erlangung der Doktorwürde genehmigt von der Philosophischen Fakultät der Friedrich-Wilhelms-Universität zu Berlin. – Berlin, 1931. Б. 362; Гольдциер И. Ислом тафсири йўналишлари / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулҳалим Нажжор. – Қоҳира, 1955; Нельдеке Т. Куръон тарихи / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. – Байрут, 2004; F.M. Denny, "The meaning of ummah in the Qur'an", *History of Religions*, XV, 1975; Wansbrough J. *Quranic Studies: Sources and Methods of Scriptural Interpretation*. – Oxford, 1977; Martin R.C., "Understanding the Qur'an in text and context", *History of Religions*, XXI/4, 1982; Rippin A., "The Qur'an as literature: perils, pitfalls and prospects", *British Society of Middle Eastern Studies Bulletin*. – London, 1983;

ўрни ҳақида тадқиқотлар амалга оширишган.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги шарқшуносларидан К.Кошталёва, М.Пиотровский, А.Боровков, Е.Резван, С.Кямилев, Ф.И.Абдуллаева, Т.Ибрагим⁴ каби олимлар қуръоншуносликка доир тадқиқотлар олиб боришган ва Мовароуннаҳр муфассирларининг тафсир соҳасига оид илмий меросини ўрганишган.

Абу Ҳафс Насафий «Тайсир фи-т-тафсир» асарининг тадқиқи Шарқ давлатларида илк даврлардан бошланган. Ўрта асрларда Абу Ҳафс Насафий⁵ ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар Шарқ уламолари Абу Саъид Самъоний (ваф. 1167 й.), Абдулқодир Қураший (696/1297–775/1373 йй.), Ҳофиз ибн Наҷжор (578/1183–643/1245 йй.), Ибн Ҳажар Асқалоний (773/1372–852/1449 йй.), Ҳофиз Заҳабий (673/1274–748/1348 йй.), Қосим ибн Қутлубғо (802/1399–879/1474 йй.), Жалолиддин Суютий (849/1445–911/1505 йй.), Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий (926/1519–990/1582 йй.), Ҳожи Халифа (1017/1609–1068/1657 йй.), Абдулҳай Лакнавий⁶ (ваф. 1304/1886 й.) каби олимларнинг табоқот китобларида келган.

Шунингдек, араб ва турк тадқиқотчиларидан Доктор Яҳё Фақиҳий, Хумайро Оиша Арслантурк, Аҳмад Балабан, Моҳир Адиб Ҳаббуш, Жамол Абдурраҳим Форис ва Фодий Мағрибий каби олимлар ҳам Абу Ҳафс Насафийнинг «Тайсир фи-т-тафсир» қўлёзма манбаси устида илмий изланишлар олиб боришган. Абдурахмон Хумаййис, Али Абдулфаттох Мағрибий, Муҳаммад Абулязид Маҳдий ханафий-мотуридийлик таълимоти тарихи ва ривожланишига ҳисса қўшган уламолар ҳақида маълумот берган. Муҳаммад Абулязид Маҳдий⁷ Насафийнинг тасаввуфий қарашларини таҳлил қилган.

⁴ Кашталёва К.С., “Терминология Корана в новом освещении”, *Доклады Академии Наук СССР. Востоковедение*, 1928; Кашталёва К.С. «Подражания Корану» Пушкина и их первоисточник // *Записки Коллегии востоковедов при Азиатском музее Академии наук СССР* / 1930; Пиотровский М.Б., *Коранические сказания*. – Москва, 1991; Фролов Д.В. Мусульманская экзегетика и Коран // *Восток*, 1992, № 6. – С. 73-88; Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тefsира XII-XIII вв. – М.: Издательство восточной литературы, 1963; Резван Е.А., “Адам и бану адам в Коране (к истории понятий «первочеловек» и «человечество»)”, *Ислам. Религия, общество, государство*. – Москва, 1984; Кямилев С.Х. К интерпретации коранических терминов кыст и адль // *Социально-политические представления в исламе. История и современность*. – М., 1987. – С. 101-102; Абдуллаева Ф.И. Персидская кораническая экзегетика. – Санкт-Петербург, 2000; Ибрагим Т.К. Коран о духовном плюрализме // *Сравнительная философия в контексте многообразия культур*. – М., 2004. – С. 218; Резван Е.А. Коран и его толкования (тексты, переводы, комментарии). – М., 2005.

⁵ Диссертацияда олиб борилган тадқиқот натижалари асосида олимнинг номи табоқот китобларида Абу Ҳафс Насафий, Умар Насафий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Насафий атамалари билан берилган. Тадқиқот жараёнида Абу Ҳафс Насафий истилохидан фойдаланилди.

⁶ Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матлаъ ан-Нужум ва мажмаъ ал-улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари): тарих.фанлар. номз. дис. автореф. – Т. ЎзФАШИ, 2012. – 193 б. (Бундан кейин: Муҳаммадаминов С. – Диссертация.).

⁷ Доктор Яҳё Фақиҳий. Нажмиддин Умар Насафий. Ат-Тайсир фи-т-афсир. танқидий матни. Доктор Муҳаммад Абдурахман Хумаййис. Усулу-д-дин инда-л-имам Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дору-с-сумайъий, 1996. – 699 б.; Оиша Хумайро Арслантурк. Абу Ҳафс Умар Насафий “Ат-Тайсир фи-т-тафсир” асари “Бақара” сурасининг танқидий нашри, докторлик иши. Истанбул. 1995. – Б. 500.; Али Абдулфаттох Мағрибий. Имом Аҳи сунна ва-л-жамоа Абу Мансур ал-Мотуридий ва ароуху-л-каломия. – Қоҳира: Мактабату ваҳба, 2009. – 455 б.; Муҳаммад Абулязид Маҳдий. Ал-Иттижоҳу-с-суфийя. – Қоҳира: ад-Жудия, 2007. – 253 б.

Ўзбекистонда ҳам Абу Ҳафс Насафий борасида бир қатор изланишлар олиб борилган. Жумладан, У.Уватов, Д.Раҳимжонов, С.Муҳаммадаминов, А.Аллоқулов⁸ каби тадқиқотчилар олимнинг ҳадис, фикҳ ва ақидага доир қарашлари борасида тўхталиб ўтишган. Бундан ташқари Мовароуннаҳрда яшаган алломалар, муфассирлар ва уларнинг асарларини М.Хайруллаев, А.Саидов, Р.Обидов, Б.Абдуҳалимов, З.Исломов О.Бўриев, А.Мўминов, З.Мунавваров, Н.Муҳамедов, Д.Махсудов, Б.Бабаджанов, Ш.Зиёдов, О.Қориев, И.Бекмирзаев, А.Абдуллаев⁹ каби олимлар ўз тадқиқотларида қисман ўрганишган.

Санаб ўтилган тадқиқотларда олимнинг ҳаёти, ақида, фикҳ ҳамда ҳадисга доир илмий фаолияти ҳақида кенг қўламли изланишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ унинг тафсирга оид «Тайсир фи-т-тафсир» асари борасида ҳали комплекс равишда иш амалга оширилмаган. Шу сабабли, Абу Ҳафс Насафийнинг тафсир соҳасига қўшган ҳиссасини батафсил ёритиб бериш ва уни илмий далиллар асосида исботлаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2019–2025 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури» банди доирасида бажарилган.

⁸ Уватов У. Қашқадарё воҳасининг алломалари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2005. – № 3. – Б. 12-13; Раҳимжонов Д. VIII–XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китобу ал-қанд фи маърифати уламаи Самарқанд” асари асосида): тарих.фан. номз. дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 14 б; Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матлаъ ан-Нужум ва мажмаъ ал-улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари): тар.фан. номз. дис. автореф. – Т. Ўз ФА ШИ, 2012. – 193 б. (Бундан кейин: Муҳаммадаминов С. – Диссертация.).

⁹ Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар) // нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. К. 2. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996; Саидов А., Исҳоқов С. Ҳофизад-дин Насафий // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 2001. – № 2. – Б. 23-25; Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 60-145; Обидов Р. Ўрта Осиё олимларининг тафсир соҳасидаги хизматлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009; Буюк алломаларимиз /Абдуҳалимов Б. Исломов З. ва б.; Ҳ. С. Кароматов таҳрири остида. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002; Бўриев О. Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо // Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар / Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.Хайруллаев. Тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: Халқ мероси, 2001; Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А.Қодирмўми номидаги халқ мероси нашриёти, 2001; Муминов А. Роль и место ханафитских ‘уламо’ в жизни городов центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XII вв.): Дисс. ... док. истор. наук. – Т.: ТИУ, 2003; Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси / З.И.Мунавваров таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007; Муҳаммад Н. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006 – Б. 51-54; Абул Баракот ан-Насафий ва унинг “Мадорик ат-Танзил ва ҳақоик ат-таъвил асари” (монография) / Д.Махсудов; масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014; Бабаджанов Б. Ислом ва фалсафа: Қуръон тафсирлари, шарҳлар кироат илми // Шарқ қўлғемалари хазинаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. – Тошкент: ЮНЕСКО, 2012. – Б. 57-61; Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожига ханафий таълимоти. – Т.: Фан ва технология, 2012; Абдуллаев А. Абул Лайс ас-Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни: Тар. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: ТИУ. 2007; Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни / Абдуллаев А.; масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2013.

Тадқиқотнинг мақсади Абу Ҳафс Насафийнинг «Тайсир фи-т-тафсир» асарининг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни ва унинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Мовароуннаҳрда X–XII асрда тафсир илми турлари ва муфассирлар фаолиятини ёритиш;

Абу Ҳафс Насафийнинг муфассир сифатидаги фаолиятини унинг асарлари асосида таҳлил қилиш;

«Тайсир фи-т-тафсир» асарининг ёзилишига сабаб бўлган омилларни кўрсатиб бериш;

«Тайсир фи-т-тафсир» асарининг дунё фондларидаги қўлёзмаларини аниқлаш ва уларни манбашунослик, исломшунослик нуқтаи назаридан кодикологик тавсифлаш;

Асарда келган тафсирга оид масалаларнинг аҳли сунна уламолари китобларида талқин қилинишини таққослаш;

Асарда келтирилган маълумотларни ҳозирда кўп муаммоларга ечим сифатида татбиқ қилиш ва унинг замонга мос шаклда илмий моҳиятини очиб бериш;

Асарни ўша вақтда тафсирга оид ёзилган китоблар билан қиёсий таққослаш;

Ҳозирда нотўғри талқин қилинаётган Қуръон оятлари борасида қарашлар ва турли ақидавий ғояларга раддияларни ушбу асар асосида бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абу Ҳафс Насафийнинг «Тайсир фи-т-тафсир» асари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Абу Ҳафс Насафийнинг «Тайсир фи-т-тафсир»ни ёзиш услуби ҳамда асарнинг нақлий, ақлий ва ишорий тафсир йўналишларига доир аҳамиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, холислик ҳамда кодикологик каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мовароуннаҳр муфассирларининг тафсир ёзиш услубини такомиллаштирган ҳолда Абу Ҳафс Насафий «Тайсир фи-т-тафсир» асарида Қуръоннинг 100 та номини алоҳида санаб, ҳар бир сурадаги сўз ва ҳарфлар сонини келтириб ўтиши билан тафсир илмида ўзига хос услубга асос солгани очиб берилган;

XI асрда Мовароуннаҳрда Қуръон илмларини такомиллаштириш учун ёзилган Абу Ҳафс Насафийнинг «Зиллату-л-қори» («Қорининг қироатдаги хатолари») ва «ал-Акмалу-л-атвал» асарларида баён этилмаган жиҳатларни батафсил ёритиш мақсадида муфассир тафсир илмида мукаммал ҳисобланган «Тайсир фи-т-тафсир» асарини тасниф этгани ҳамда минтақада ушбу соҳанинг ривожланишига замин яратгани исботланган;

Минтақада кучли таъсирга эга мотуридийлик таълимоти қарашларини ривожлантириш ҳамда Қуръондаги ақидавий оятлар мазмун-моҳиятини очиб беришда муфассир учун лозим бўлган барча илмларни мукаммал эгаллаган Абу Ҳафс Насафий оятларни мўътадиллик асосида шарҳлаб, мутаассиблик ва турли нотўғри талқинларнинг олдини олгани, шу билан бирга, тафсирда илгари сурилган қарашлар бугунги глобаллашган ва турли ғоявий таҳдидлар авж олиб бораётган даврга ҳам муносиб ечим бўла олиши асосланган;

Дунё фондларидаги қўлёзма нусхаларни тадқиқ қилиш орқали олинган хулосага кўра, Абу Ҳафс Насафийнинг ислом илмлари, хусусан фикҳ, ақида, тафсир, ҳадис, балоғат, тасаввуфга доир ёзган барча асарларини мазмун моҳияти мухтасар шаклда «Тайсир фи-т-тафсир» асарида жамлагани ва ўша давр олимлари томонидан ҳам эътироф қилингани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотда – XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда тафсирнинг нақлий ва ақлий турлари билан бирга ишорий шарҳлаш услуби кенг тарқалгани ва Абу Ҳафс Насафий муфассир сифатида ўзига хос қарашлар билан тафсиршунослик соҳасининг ривожланишига ҳисса қўшгани далилланган;

асарда Қуръон илмларига доир қироат важҳлари, носих, мансух, муҳкам, муташобих ҳамда мутавотир даражасига етмаган қироат турлари ҳақида маълумотлар келтирилган;

фикҳий ва ақидавий ҳукмларга тегишли оятлар ва уларнинг таҳлили ҳамда ҳозирги кунда адашган оқимлар томонидан ўз даъволари учун келтираётган ҳужжатларининг нотўғри эканини асослаб берадиган илмий далиллар келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимининг асосий фондида сақланаётган «ат-Тайсир фи-т-тафсир» асарининг Р:3231, Р:5265, Р:3164, Р:4789, Р:3150, Р:7124 ва Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида сақланаётган №10, №88 рақам остидаги нусхаларидан қиёсий фойдаланилгани, тадқиқотда холислик, объективлик, тарихийлик методларига таянилгани, тадқиқотнинг хулоса ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар асосида Абу Ҳафс Насафийнинг Мовароуннаҳр қуръоншунослик ва тафсир илми тарихида тутган ўрнини аниқлаш орқали тўпланган тарихий, ижтимоий, био-библиографик маълумотларнинг илмий муомалага киритилгани, улар ҳажми ва даражаси билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари олий ўқув юртларида “Диншунослик”, “Исломшунослик”, “Ислом ҳуқуқшунослиги”, “Ўрта Осиёда ислом тарихи”, “Матншунослик”, “Манбашунослик”, “Ислом ҳуқуқи методологияси”, “Ислом ҳуқуқи асослари”, “Мовароуннаҳр алломалари”, “Ўзбекистон тарихи” каби асосий ва махсус курсларнинг мазмунини такомиллаштириш,

педагогик жараённи янги маълумотлар билан бойитишда амалий аҳамият касб этади. Ушбу диссертация Мовароуннаҳрда тафсир илми ривожига катта ҳисса қўшган Абу Ҳафс Насафийнинг тафсир соҳасида тутган ўрнини тадқиқ этиш бўйича дастлабки тадқиқотлардан биридир. Мазкур тадқиқот ва унинг натижалари минтақада қуръоншунослик ва тафсир илми ривожига тарихи бўйича олиб бориладиган навбатдаги илмий изланишлар учун ўзига хос таянч бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Ҳафс Насафий «Тайсир фи-т-тафсир» асарининг манбашунослик тадқиқини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Мовароуннаҳр муфассирларининг тафсир ёзиш услубини такомиллаштирган ҳолда Абу Ҳафс Насафий «Тайсир фи-т-тафсир» асарида Қуръоннинг 100 та номини алоҳида санаб, ҳар бир сурадаги сўз ва ҳарфлар сонини келтириб ўтиши билан тафсир илмида ўзига хос услубга асос солгани ҳақидаги илмий янгилигидан буюртма асосида тайёрланган «Тафсир услублари» номли дарслик китобда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 12 октябрдаги 5107-сон маълумотномаси). Натижада бу соҳада янгича қарашлар баён қилиш, халққа соф ислом маърифатини етказишда долзарб аҳамият касб этган;

XI асрда Мовароуннаҳрда Қуръон илмларини такомиллаштириш учун ёзилган Абу Ҳафс Насафийнинг «Зиллату-л-қори» («Қорининг қироатдаги хатолари») ва «ал-Акмалу-л-атвал» асарларида баён этилмаган жиҳатларни батафсил ёритиш мақсадида муфассир тафсир илмида мукаммал ҳисобланган «Тайсир фи-т-тафсир» асарини тасниф этгани ҳамда минтақада ушбу соҳанинг ривожланишига замин яратгани ҳақидаги илмий янгилигидан буюртма асосида тайёрланган «Қуръон қироати ва тажвид илми» ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 13 октябрдаги 2008-сонли маълумотномаси). Натижада тадқиқот хулосалари, таклиф ва тавсияларидан асардаги қироат турлари ва уларнинг имомлар орасида ўқилиши ҳақидаги илмий хулосалардан тарғибот ишларида фойдаланилган;

Минтақада кучли таъсирга эга мотуридийлик таълимоти қарашларини ривожлантириш ҳамда Қуръондаги ақидавий оятлар мазмун-моҳиятини очиб беришда муфассир учун лозим бўлган барча илмларни мукаммал эгаллаган Абу Ҳафс Насафий оятларни мўътадиллик асосида шарҳлаб, мутаассиблик ва турли нотўғри талқинларнинг олдини олгани, шу билан бирга, тафсирда илгари сурилган қарашлар бугунги глобаллашган ва турли ғоявий таҳдидлар авж олиб бораётган даврга ҳам муносиб ечим бўла олиши ҳақидаги маълумотлардан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюртма асосида тайёрланган “Мовароуннаҳрда Мотуридия калом илми мактаби” номли китобда фойдаланилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020

йил 12 октябрдаги 02/297-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар онгини турли ёт ғоялар билан тўлдиришга қаратилган “оммавий маданият”нинг салбий оқибатларини аждодлар илмий мероси асосида бартараф этишда муҳим ўрин эгаллаган;

Дунё фондларидаги қўлёзма нусхаларни тадқиқ қилиш орқали олинган хулосага кўра, Абу Ҳафс Насафийнинг ислом илмлари, хусусан фикҳ, ақида, тафсир, ҳадис, балоғат, тасаввуфга доир барча асарларининг мазмун-моҳиятини мухтасар шаклда «Тайсир фи-т-тафсир» асарида жамлагани ва ўша давр олимлари томонидан ҳам эътироф қилингани ҳақидаги илмий янгилигидан буюртма асосида тайёрланган «Абу Муин Насафий ҳаёти ва илмий мероси» номли китобни мазмунан бойитишда фойдаланилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2020 йил 24 июнь 105-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тадқиқотда келтирилган Абу Ҳафс Насафийнинг тафсир асари ва ундаги тасаввуф илмига доир қарашлари хулосаларидан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий фаолиятида кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 11 та, жумладан, 6 та республика ва 5 та халқаро конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 9 та мақола, шундан 7 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ҳамда предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Абу Ҳафс Насафий илмий меросини ўрганишнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида минтақада Қуръон оятларини тафсир қилишда нақлий ва ақлий тафсир қилиш билан бир қаторда ишорий шарҳ қилиш йўналишига ҳам эътибор қаратилиши

натижасида ишорий тафсир қилиш услуби ҳам ёйила бошлагани ёритилган.

Қуръон илмларига доир манбаларда бу турдаги тафсирларга илмий истилоҳ сифатида “التفسير الاشاري” (тафсир ишорий), “التفسير الباطني” (тафсир ботиний), “التفسير الصوفي” (тафсир суфий), “التفسير الفيضي” (тафсир файзий), “التفسير الرمزي” (тафсир рамзий), “التفسير العرفاني” (тафсир ирфоний), “التفسير الروحي” (тафсир рухий) ва “التفسير الاحرفي” (тафсир ҳуруфий) номлари билан зикр қилинган¹⁰. Мазкур номлар борасида ислом уламолари ўртасида турли қарашлар мавжуд. Ушбу қарашларнинг келиб чиқиш нуқтаси ишорий тафсирлар ислом дини ҳукмлари билан асосланмаган, деган фикрдан пайдо бўлган. Исломнинг илк даврида оятларнинг барчаси тафсир қилинмаган, балки бир неча маънони ифодаладиган оятларга изох берилган. Қуръон араб тилида нозил бўлгани учун бу тилни биладиган кишиларга уни фаҳмлаш ва тушуниш осон бўлган. Саҳобаларнинг даврига келиб ислом ҳудудлари кенгайиши, араб бўлмаганларнинг ислом динини қабул қилишлари билан оят маъноларини тушуниш бироз мушкул бўла бошлади. Натижада, саҳобалар оятларнинг баъзиларига, маъноси зоҳиран тушунарсиз бўлганларига қисқа шаклда шарҳ айтишган.

Тарихда ишорий тафсир борасида салбий қарашлар билдирилган бўлиб, асосан ислом динига мос келмаган жиҳатлари танқид қилинган. Натижада оятларни нотўғри талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида ишорий тафсир қоидалари ишлаб чиқилган. Хужвирий, Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Камолиддин Абдураззоқ Коший каби шариат ва тариқат илмини мукаммал эгаллаган олимлар томонидан минтақада ёзилган ишорий тафсирлар шу қоида ва шартлар асосида ёзилиб, унда оятнинг зоҳирий маънолари билан бирга ислом дини кўрсатмаларига зид келмайдиган ботиний жиҳатлари ҳам баён қилинган. Бу эса Ўрта Осиё минтақасида нақлий ва ақлий тафсирлар билан бирга оятларни ишорий шарҳланишига сабаб бўлган. Умар Насафий тафсир соҳасида ўзига хос услубни танлаб, ўзидан аввалги ва кейинги ёзилган тафсирлар орасини боғлашда занжир вазифасини ўтаган. Тадқиқот натижаларига кўра олимнинг тафсир илмига оид учта асари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчиси, «ал-Акмалу-л-атвал» тўрт жилдли катта ҳажмли мукаммал тафсир¹¹. Тадқиқотчилар Абу Ҳафс Насафийнинг мазкур китоби билан «Тайсир фи-т-тафсир» («Тафсир соҳасида енгиллик»)ни битта асар сифатида кўрсатишган. Шунингдек, Муҳаммад Такий Дониш Сарзе ва Аҳмад Мунзавий ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлашган¹². Лекин олимнинг «Тайсир

¹⁰ Жаъфар Содик. Ҳақоиқу-т-тафсир ва мисбоҳу-ш-шариа. Али Зиъвар таҳқиқи. Байрут: Муассасату Иззуддин матбаси, 1993. – Б. 53.

¹¹ Исмоил Боша Бағдодий. Ҳадияту-л-орифийн асмау-л-муаллифийн ва асору-л-мусаннифийн. Истанбул. Ваколату-л-маориф жалийла, 1951. Ж. I. – Б. 783. (Бундан кейин: Бағдодий. Ҳадияту-л-орифийн асмау-л-муаллифийн)

¹² Фихиристи микрофилмхони кутубхонаи маркази ва марказе устод донешгоҳ. Тузувчи: Муҳаммад Такий Дониш Сарзе. – Техрон, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 249; Фихрист нусхеҳойи хатти форсий. Тузувчи: Аҳмад Мунзавий. – Техрон, 1348/1929. Ж. I. – Б. 19.

фи-т-тафсир» асари тафсир ва тафсир илмига бағишланган алоҳида китоб ҳисобланади.

Иккинчиси, «Тафсири Насафий» («Насафий тафсири») Қуръон маъноларининг форс тилидаги таржимаси бўлиб, эронлик тадқиқотчи Азизуллоҳ Жувайний томонидан танқидий матни тайёрланиб, Техронда 1998 йили нашр қилинган¹³. Унинг Машҳад, Афғонистон ва Туркия қўлёзма фондларида сақланаётган учта нусхаси қиёсий ўрганилиб, сўнг нашр қилинган. Китоб хотимасида: “Ёр Али Табризий томонидан инсу жин муфтийси Абу Ҳафс Насафийнинг тафсири Хиротдаги “Мадрасату-ш-шарифия”да 890/1485 йили кўчирилди”, мазмунда маълумот берилган. Унда оятларнинг маънолари таржимаси билан чекланиб, бирор оят тафсир қилинмаган. Китобнинг қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Отиф Афанди кутубхонасида 3245-рақам остида сақланади. Қўлёзманинг умумий ҳажми 604 варақни ташкил қилади¹⁴. Нашрни ўрганиш тафсирнинг маҳаллий аҳоли учун форс тилида ёзилган йирик асар эканини кўрсатади.

Учинчиси, «Тайсир фи-т-тафсир» номли Қуръон тафсирига оид манба бўлиб, мотуридийлик ва ҳанафийлик йўналишида ёзилган асарларда энг кўп тилга олинadиган, оятларнинг фикҳий ва ақидавий жиҳатларини англашда далил олинadиган муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мазкур асарнинг еттита¹⁵ нусхаси сақланади. Ушбу қўлёзма манба ва дунё фондларида сақланаётган нусхаларни тадқиқ қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, асарнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигидаги аҳамияти беқиёсдир. Асарда бошқа тафсирлардан фарқли равишда оятларни тафсирлашда ўзгача услуб қўлланилган. Олим Қуръондаги сурани шарҳлашда, аввало, у ҳақда батафсил маълумот бериб, маккий ёки маданийлиги, суранинг фазилати борасида айтилган ҳадислар, оятлардаги ҳарфлар сони, нозил бўлиш сабаби, унинг бошқа номлари, ақидавий ва фикҳий баёнига оид ҳукмлар, қироат важҳлари, тасаввуфий нуқтаи назардан шарҳланишига доир маълумотлар берган.

Диссертациянинг «Абу Ҳафс Насафий “Тайсир фи-т-тафсир” асарининг кодикологик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида мазкур асарнинг Ўзбекистон ва дунё қўлёзма фондларида сақланadиган нусхалари ҳамда уларнинг бир-биридан фарқли томонлари ҳақида маълумот берилган. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар бўлимида асарининг Р: 3150, 3164, 5265, 4789, 7124, 11922 рақам остида сақланadиган нусхалари мавжуд. Мазкур қўлёзмалар устида олиб борилган илмий таҳлиллар асосида юқоридаги нусхаларнинг бирортаси тўлиқ ҳолда сақланмагани

¹³ Абу Ҳафс Насафий. Тафсири Насафий. Ба тасхихи дуктур Азизуллоҳ Жувайний. Интишорот жунайд фарханги Эрон. 2-жилдли, 1356 (бундан кейин: Насафий. Тафсири Насафий).

¹⁴ Абу Ҳафс Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд. – Б. 22.

¹⁵ ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: Р: 5265, 3164, 4789, 3150, 7124, 11922; Моҳир Адиб Ҳаббуш таҳқиқи. Ж. 1. – Б.24.

аниқланди. Ундан ташқари барча нусхаларни жамлаб уларни қиёсий ўрганилса ҳам, Қуръоннинг тўлиқ тафсирини қамраб олмаган. Зеро, 3150 рақамли нусха “Раъд” сурасининг 10-оятидан “Нур” сурасигача, 3164 рақамли нусха “Юнус” сурадан “Наҳл” сурасининг 47 оятигача, 3231 рақамли нусха “Юсуф” сурасидан “Мурсалот”гача, 4789 рақамли нусха “Ахзоб” сурасидан “Нас” сурасигача, 5265 рақамли нусха “Нажм”дан “Фатҳ” сурасигача бўлган қисмини ўз ичига олган. Хулоса қилиш мумкинки, «ат-Тайсир фи-т-тафсир» асари 23 жуздан иборат бўлиб, унда Бақара, Оли Имрон, Моид ва Анъом сураларининг тафсири мавжуд эмас.

Асарнинг дунё қўлёзма фондларида 97 та нусхаси сақланади, жумладан, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Босния, Германия, Ирландия, Америка Қўшма Штатлари каби давлатларда мавжуд. Биргина Истанбулдаги “Сулаймония” қўлёзмалар фондида «ат-Тайсир фи-т-тафсир»нинг 72 та нусхаси мавжуд бўлиб, улардан 15 тасида асар тўлиқ ҳолатда сақланган.

Абу Ҳафс Насафий асарни ёзишда тафсиршунослик соҳасидаги энг эътиборли манбалардан фойдаланган. Жумладан, Абу Убайда Маъмар ибн Мусаннанинг¹⁶ (110/728–824/209 йй.) «Мажозу-л-Қуръон» («Қуръонда мажоз»), Имом Фарронинг¹⁷ (144/761–207/822 йй.) «Маъони-л-Қуръон» («Қуръон маънолари»), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим Қутайбанинг¹⁸ (ваф. 276/889) «Таъвил мушкили-л-Қуръон» («Қуръоннинг мушкил ўринлари таъвили») ва «Ғариб-л-Қуръон» («Қуръон ажойиботи»), Ибн Жарир Табарийнинг¹⁹ (225/839–310/922 йй.) «Жомеу-л-баён фи тафсири-л-Қуръон» («Қуръон тафсирининг мукаммал баёни»), Саълабийнинг²⁰ (ваф. 445/1053) «ал-Кашф ва-л-баёну-т-тафсири-л-Қуръон» («Қуръон тафсирини очиш ва баён қилиш») Абу Мансур Мотуридийнинг (257/870–333/944 йй.) «Таъвилот аҳли-с-сунна» («Аҳли сунна изоҳлари»), Абу Лайс Самарқандийнинг (299/911–375/985 йй.) «Баҳру-л-улум» («Илмлар денгизи»), Абдулкарим Қушайрийнинг²¹ (376/986–466/1073 йй.) «Латоифу-л-ишорот» («Ўзал кўрсатмалар») номли асарларидан манба сифатида фойдаланган.

¹⁶ Муқотил ибн Сулаймон Самарқандийнинг ҳаёти ва асарлари учун қаранг. ад-Довудий, ўша асар., Ж. 2. – Б. 326-328; аз-Зирикли, ўша асар., Ж. 7. – Б.191; Ёқут Ҳамавий. Муъжамул удабо. Ж. 9. – Б.154-163:

¹⁷ Шамсиддин Заҳабий. Сияр аломи-н-нубало. Ж.1. – Б. 119. Абдураҳим Исмоилий. Маъоний-л-қуръон ли-л-Фарро. – Б. 18.

¹⁸ Абдуллоҳ ибн Муслим Қутайбанинг ҳаёти ва асарлари учун қаранг. ад-Довудий, ўша асар., Ж. 1. – Б. 251-252; Ибн Ҳалликон, ўша асар., Ж.2. – 246; Ибнул Имод, ўша асар., Ж. 2. – Б. 169; аз-Зирикли, ўша асар., Ж. 4. – Б. 280;

¹⁹ Шамсиддин Заҳабий. Сияр аломи ан-нубало. Ж.14. – Б. 267-282. Ёқут Ҳамавий. Муъжамул удабо. Ж.6. – Б. 2458. Форук Умар Фавзий. Ал-варақоту вал вароқийна фи тарихил исломий. Ж.7. – Б. 187. Доктор Муҳаммад Зухалий. Имом Табарий. – Б. 71.

²⁰ Ёқут "Муъжамул удабо" китобида шундай дейди: "Абу Исҳоқ Ас-Саълабий муқриъ, адиб, воғиз ва ишончли ровий бўлиб, жуда кўп таснифотларнинг соҳибидир". Унинг ёзган машҳур асарларидан бири "Ал-Аронс фий қисасил анбиё"дир. Уни Ас-Саъдабий ёки Ас-Саъолибий дейиш мумкин, бу ном унга насабини эмас, лақабини билдиради. Раҳматулло Обидов. Қуръон ва тафсир илмлари. – Тошкент. – Б. 108.

²¹ Абдулкарим ал-Қушайрийнинг ҳаёти ва асарлари учун қаранг. Қаҳҳола, ўша асар., Ж.6. – Б.77; аз-Зирикли, ўша асар., Ж.3. – Б. 346; Ибн Ҳалликон, ўша асар., Ж.1. – Б. 299.

